



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ,
ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МАВҶЕИ
ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ**

2024

ЧОРАКЛИК ҲИСОБОТ

I

Бу қандай
нашр?

Ушбу нашр 2024 йилнинг I чораги учун Ўзбекистон тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича маълумотларни ўз ичига олиб, Халқаро валюта жамғармасининг “Тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқе бўйича қўлланмаси”нинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) ҳамда “Ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланма”га (2013) мувофиқ тайёрланган.

Маълумотлар
қайси санага
долзарб?

Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2024 йил 27 июнь ҳолатига долзарб ҳисобланади.

Маълумотларни
қаердан олиш
мумкин?

Тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://www.cbu.uz/> ва ХВЖнинг <http://data.imf.org/> веб-сайтлари орқали тақдим қилинмоқда.

Нашрга
тааллуқли
савол ва
таклифлар
бўйича қандай
мурожаат қилиш
мумкин?

A.М. Олимов

*Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси
департаменти директори*

(+998) 71 212-60-38

olimov@cbu.uz

О.О. Тожиддинов

*Департамент директори ўринбосари – тўлов баланси
бошқармаси бошлиғи*

(+998) 71 212-60-77

o.tojiddinov@cbu.uz

Ш.Х. Хайитбоев

Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи ўринбосари

(+998) 71 212-60-42

sh.khayitboev@cbu.uz

Шунингдек, саволлар ва таклифлар қўшимча равишда val@cbu.uz электрон почта манзилига юборилиши мумкин.

ҚИСҚАЧА ШАРХ


2024 йилнинг I чорагида жорий операциялар ҳисоби қарийб 1,4 млрд доллар манфий сальдо билан шаклланди.

Олтин, кумуш, мис ва уран сингари асосий экспорт хомашёлари жаҳон нархларининг ўсиши, шунингдек туризм, транспорт ва ахборот технологиялари соҳасида норезидентларга халқаро хизматлар кўрсатиш кўламининг ортиши натижасида экспорт ҳажми ўтган йилнинг I чорагига нисбатан **9 фоизга ўсиб, 6,4 млрд долларни ташкил қилди** (2023 йил IV чорагига нисбатан 3 фоизга камайган).

Халқаро бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг пасайиши, инвестиция фаоллиги ва қиши мавсумида энергоресурсларнинг ички истеъмоли юқори даражада сақланиб қолиши, шунингдек ўтган йилнинг I чорагида айрим турдаги машина, ускуна ва транспорт воситалари импорти ҳисобига шаклланган юқори база фонида **импорт ҳажми 4 фоизга кўпайиб, 9,8 млрд долларга тенг бўлди** (2023 йил IV чорагига нисбатан 23 фоизга камайган).

Натижада, 2024 йилнинг I чорагида **ташқи савдо балансининг манфий сальдоси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 фоизга қисқариб** (2023 йил IV чорагига нисбатан 45 фоизга қисқарган), қарийб 3,4 млрд долларни ташкил қилди.

Жорий операциялар ҳисоби компонентлари
ЯИМга нисбатан фоизда




Бирламчи даромадлар компоненти 148 млн доллар манфий сальдо билан шаклланди (2023 йилнинг I чорагида ижобий сальдо 276 млн доллар). Ушбу ҳолат, жорий йилнинг I чорагида асосан халқаро молия бозорларидағи қатъий шароитлар сақланиб қолиши фонида мавжуд ташқи мажбуриятлар бўйича фоиз тўловларининг сезиларли даражада қўпайиши билан изоҳланади.

Ушбу даврда **иккиламчи даромадлар** ижобий сальдоси савдо баланси ва бирламчи даромадларнинг манфий сальдосини қисман қоплади. Иккиламчи даромадлар сальдоси асосан резидентларга шахсий трансферлар (асосан трансчегараевий пул ўтказмалари) ҳажмининг ўсиши ҳисобига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6 фоизга қўпайиб, 2,2 млрд долларни ташкил қилди.

Жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги асосан ташқи қарз маблағлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилди.

Жумладан, мамлакатга жалб қилинган **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф ўсиши*** 382 млн доллар ҳамда норезидентлардан жалб қилинган **кредит ва қарзларнинг соф ўсиши** 1,2 млрд долларни ташкил қилди.

Молиявий ҳисоб компонентлари ЯИМга нисбатан фоизда



* Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича маълумотлар Халқаро валюта жамғармасининг қўлланмасига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) мувофиқ соф ҳажмларда (инвестиция киритилиши ва репатриацияси ўртасидаги сальдо) акс эттирилади.

Портфель инвестициялар компоненти номолиявий ташкилотлар капиталига портфель инвестициялар ҳамда халқаро облигациялар бўйича қисман асосий қарз ва фоизларнинг сўндирилиши ҳисобига 485 млн доллар ижобий сальдо билан шаклланди.

Юқоридаги таркибий омиллар ҳисобига 2024 йилнинг I чораги якуни бўйича **молиявий ҳисоб** манфий сальдоси 1,6 млрд долларни ташкил этди.

Шунингдек, 2024 йилнинг I чорагида олтиннинг жаҳон нархида ижобий тенденция кузатилиб, **халқаро захиралар** қолдиги жорий йил 1 апрель ҳолатига **34,2 млрд** долларга етди.

2024 йилнинг I чораги якунига кўра, тўлов баланси молиявий ҳисоб операциялари ва нооперациявий ўзгаришлар таъсирида **соф халқаро инвестициявий мавқе** жорий йил бошига нисбатан **4 фоизга** қўпайиб, **13,3 млрд** долларга етди.

Ушбу давр якунларига кўра **умумий ташқи қарз** ҳажми **53,5 млрд** долларни ташкил қилиб, шундан давлат ташқи қарзи ҳажми 29,6 млрд доллар^{**} ҳамда корпоратив ташқи қарз ҳажми 23,9 млрд долларга тенг бўлди.

Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ва ташқи қарз кўрсаткичларини шакллантириш доирасидаги ҳамкорлик учун тегишли вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдиради ҳамда кейинги самарали ҳамкорликка умид қиласди.

^{**} ХВЖнинг ТБҚ 6-сон қўлланмасига мувофиқ давлат ташқи қарзи қолдиги ҳисобланган, лекин тўлланмаган фоизларни ҳам ўз ичига олади.

1-илова. 2022-2024 йилларнинг I чораклари учун тўлов баланси
(таҳлилий кўриниши)

(млн доллар)

Кўрсаткичлар	2022 йил I чорак	2023 йил I чорак	2024 йил I чорак
А. Жорий операциялар ҳисоби сальдоси	-1 090,7	-1 181,1	-1 379,3
Товарлар, кредит (экспорт)	5 248,6	4 941,7	5 252,3
Товарлар, дебет (импорт)	6 518,2	7 687,2	7 951,6
Хизматлар, кредит (экспорт)	670,4	922,8	1 133,9
Хизматлар, дебет (импорт)	1 644,4	1 674,9	1 823,3
<i>Жами экспорт</i>	<i>5 919,0</i>	<i>5 864,5</i>	<i>6 386,3</i>
<i>Жами импорт</i>	<i>8 162,6</i>	<i>9 362,1</i>	<i>9 774,8</i>
<i>Савдо баланси сальдоси</i>	<i>-2 243,6</i>	<i>-3 497,6</i>	<i>-3 388,5</i>
Бирламчи даромадлар, кредит	956,3	998,6	847,9
Бирламчи даромадлар, дебет	450,4	722,9	995,7
<i>Савдо баланси ва бирламчи даромадлар сальдоси</i>	<i>-1 737,7</i>	<i>-3 221,9</i>	<i>-3 536,3</i>
Иккиламчи даромадлар, кредит	867,0	2 222,3	2 327,9
Иккиламчи даромадлар, дебет	220,0	181,5	170,9
В. Капитал операциялари ҳисоби (олтин-валюта захираларидан ташқари)	8,2	1,2	0,3
Капитал операциялар ҳисоби, кредит	8,2	1,2	0,3
Капитал операциялар ҳисоби, дебет	0,0	0,0	0,0
<i>Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялар ҳисоби сальдоси</i>	<i>-1 082,5</i>	<i>-1 179,9</i>	<i>-1 379,0</i>
С. Молиявий ҳисоб	-1 092,4	310,1	-577,5
Тўғридан тўғри инвестициялар, активлар	2,1	9,6	4,7
Тўғридан тўғри инвестициялар, мажбуриятлар	302,3	181,8	382,2
Портфель инвестициялар, активлар	0,0	0,2	0,0
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,0	0,2	0,0
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялар, мажбуриятлар	6,7	14,9	-485,1
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	-5,2	2,9	-18,6
Қарз инструментлари	12,0	12,0	-466,5
<i>Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари)</i>	<i>2,8</i>	<i>0,5</i>	<i>0,0</i>

Кўрсаткичлар	2022 йил I чорак	2023 йил I чорак	2024 йил I чорак
Ҳосилавий молиявий инструментлар, активлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар, мажбуриятлар	-2,8	-0,5	0,0
Бошқа инвестициялар, активлар	-441,8	859,9	487,8
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,0	0,4	0,0
Қарз инструментлари	-441,8	859,5	487,8
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	-34,2	-611,0	84,2
Давлат бошқарув сектори	-6,1	-7,0	-4,0
Бошқа секторлар	-401,5	1 477,5	407,7
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	-401,5	1 477,5	407,7
Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар	346,5	363,4	1 172,9
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	346,5	363,4	1 172,9
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	-127,0	422,3	-108,5
Давлат бошқарув сектори	163,4	421,0	852,7
Бошқа секторлар	310,1	-479,9	428,7
Бошқа молиявий ташкилотлар	4,4	5,4	3,3
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	305,7	-485,4	425,4
D. Соф хатолар ва йўқотишлар	84,5	-58,9	-251,3
E. Умумий баланс	-94,4	1 549,0	1 052,8
F. Захиралар ва улар билан боғлиқ моддалар	94,4	-1 549,0	-1 052,8
Захира активлари	94,4	-1 548,7	-1 083,5
ХВЖдан соф қарз жалб қилиш (ХВЖдаги захира позициясидан ташқари)	0,0	0,2	-30,7
Бошқа молиялаштириш	0,0	0,0	0,0

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) 6-нашида келтирилган таҳлилий кўринишини акс эттиради.

**2-илова. 2022-2023 йиллар ва 2024 йилнинг I чораги учун халқаро
инвестициявий мавқе**

(млн доллар)

Кўрсаткичлар	01.01.2023й.	01.01.2024й.	01.04.2024й.
Активлар	82 293,7	84 883,5	84 966,2
Тўғридан-тўғри инвестициялар	202,0	209,9	214,2
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	31,6	37,1	40,8
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	31,6	37,1	40,8
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	170,3	172,8	173,4
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	2,5	2,5	2,5
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестиацияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	167,9	170,4	171,0
Портфель инвестициялар	2,5	2,9	2,9
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	2,5	2,9	2,9
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	1,1	1,1	1,1
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	1,4	1,8	1,8
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Қарз қимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0

Кўрсаткичлар	01.01.2023й.	01.01.2024й.	01.04.2024й.
Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин ваюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	46 321,6	50 106,0	50 558,8
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	1,6	2,0	2,0
Қарз инструментлари	46 320,0	50 104,0	50 556,7
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	4 556,9	3 242,7	3 291,1
Давлат бошқаруви сектори	3,7	4,8	4,6
Бошқа секторлар	41 759,4	46 856,4	47 261,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Захира активлари	35 767,5	34 564,6	34 190,3
Монетар олтин	23 064,8	24 632,2	25 374,5
ХВЖдаги захира позицияси	0,0	0,0	0,0
Бошқа захира активлари	12 702,7	9 932,5	8 815,8
Мажбуриятлар	63 165,0	72 106,5	71 687,5
Тўғридан-тўғри инвестициялар	13 816,4	14 814,8	14 173,7
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	11 363,5	11 357,1	10 503,7
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	11 363,5	11 357,1	10 503,7
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	2 452,9	3 457,7	3 670,0
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	2 227,5	3 171,3	3 372,5
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестиацияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	225,4	286,4	297,5
Портфель инвестициялар	4 192,1	5 295,3	4 801,6
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	105,8	123,7	98,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	48,4	57,4	60,1

Кўрсаткичлар	01.01.2023й.	01.01.2024й.	01.04.2024й.
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	57,4	66,3	37,8
Бошқа молиявий ташкилотлар	1,3	1,7	1,5
Қарз қимматли қофозлари	4 086,3	5 171,6	4 703,6
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	893,9	1 027,7	1 061,6
Давлат бошқаруви сектори	2 375,0	3 284,7	2 755,6
Бошқа секторлар	817,3	859,2	886,4
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Хосилавий молия инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	2,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	45 154,6	51 996,4	52 712,2
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0
Бошқа қарз инструментлари	45 154,6	51 996,4	52 712,2
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банқдан бошқа депозит ташкилотлари	10 440,8	11 320,3	11 066,5
Давлат бошқаруви сектори	18 007,8	21 351,0	21 955,9
Бошқа секторлар	16 706,1	19 325,1	19 689,8
Бошқа молиявий ташкилотлар	105,1	114,0	115,9
Соф ҳалқаро инвестициявий мавқе	19 128,6	12 777,0	13 278,7

